

# TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 10 (14,113) 9 МАРТ, ПАЙШАНБА 2023 йил

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtto.uz



vtto\_uz@mail.ru



@Toshkent\_oqshomi



Toshkent oqshomi



Toshkent Oqshomi\_24



# “РЭЛДАН”

# – КИМ ЁКИ НИМА?

**АНОНС**



ЁПИҚ ТАҚДИМОТНИНГ  
ОЧИҚ МУЛОҲАЗАЛАРИ



ЭРКИНЛИК БУ СТАТИКА  
ЭМАС, ЭРКИНЛИК БУ –  
ДИНАМИКА



СЕРИАЛ КЎРИШДАН АСЛ  
МАҚСАД НИМА?





## ЁПИҚ ТАҚДИМОТНИНГ ОЧИҚ МУЛОҲАЗАЛАРИ

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ҳақида суратга олинган фильмнинг ёпиқ тақдими очик мулоҳазалар майдонига айланди. Премерада асосан зиёли қатламнинг иштироки ҳақиқатдан ҳам тақдим этилган лойиҳанинг аҳамиятини кўрсатди. Кинорежиссёр Музаффар Эркиновнинг картинадаги режиссёрлик ёндашувлари, тасвирий ечимлар, мусиқа - композицион яхлитликка эришган. Яна шoirнинг болалиги ўта жўшқин, оловли йиллардек хотирага муҳрланади.

Менга энг мақбул саҳналардан бири бу, шубҳасиз, Озод Шарафиддинов билан боғлиқ сюжетлар бўлди. Ниҳоятда самимий ҳолатда кадрларда қолган. Яна фильмдаги тўй саҳнаси, ота-ўғилнинг суҳбати томошабинга бир қадар энгиллик бағишлайди.

Тақдимотда жуда кўп адабиётшунош-журналистларнинг мулоҳазаларини эшитдик. Ҳаммасида ўзининг ҳақиқати бор. Аммо "Абдулла Ориповни мен Музаффар Эркиновдан яхши биламан" деган иддао ҳолис қарашларга озгина халақит берди. Тўғри, бу иддаода ҳам шоирга бўлган ҳурмат, яқинлик ҳисси бор. Аммо агар ҳамманинг "ўзигагина хос фикрига" таянадиган бўлсак, яхлит бир асарни ярата олмаймиз. Яна Абдулла Орипов юз йиллар муқаддам яшаб ижод қилган шоир эмас, бу ҳам ижодкорларга мураккаб вазифаларни қўяди.

Асар — бадийий фильм! Агар ҳужжатли фильм бўлганида ҳаётий ҳақиқат, ҳужжатлилик биринчи планга чиқиши шарт эди.

Фильмнинг тўлиқ қисми тақдим этилганда балки саволлар камроқ бўлармиди, деган хулосага келдим. Чунки картинага "интрига"лар керак, масалан Шерали Жўраев билан "Биринчи муҳаббатим" ашуласининг ёзилиш тарихи, Орипов оиласи атрофидаги воқеалар керак эди, деганимда "сериал вариантыда бор" деган

жавобни олдим. Катта экран учун мўлжалланган вариантга ҳам ўша "интрига" етишмади. Эҳтимол, катта премерагача саҳналар алмаштирилди?!

Томошабин сифатида лирикага йўғрилган фильмларга эҳтиёж борлигини билдим. Ур-йўқит, терроризм, маиший мавзулар ҳам керак, аммо ҳаддан ортгани учунми "Абдулла Орипов" ни яйраб томоша қилдим. Лекин тақдимот давомида нега, нима учун деган саволлар пайдо бўлгани ҳам рости. Эҳтимол, саволлар тўлиқ томошадан кейин жавобини топар...

Бош роль ижросиси Шодмонқул Салом ижросида муболаға, бадийлик нуқтаи назаридан жўшқинлик меъёрига етмади. Аммо реал қарасак, шоир шоирни ўйнаган!

Аммо Шодмонқул Салом Абдулла Орипов ҳақидаги ҳужжатли фильмда ҳам бош ролни ўйнагани ҳақида айтилди. Актёрни бермаслигини керак эди жаноб режиссёр! Уни сиз топдингиз! У айна образда фақат бир марта кўринганида, мақсадга мувофиқ бўларди. Эртага томошабин ҳужжатли ва бадийий фильмни таққосламаслиги учун ҳам актёрни бермаслик керак эди!

Фильмнинг уммон ортидан бошлангани ҳам ўзига хос кайфият беради. Уммон ортидан ватанга бўлган эҳтиёж... ҳаётнинг сўнгги дамларида ўтган умр эсдаликлар шаклида акс этиши ҳам яхши топилма.

Яна Музаффар Эркиновга фильмни олиш осон бўлмаган, шоирнинг аёли, фарзандлари ва бадийий кенгаш... Ижодкор маълум бир ҳолатларда уларнинг чегараларини босиб ўта олмаган.

Умумий хулосага келсак, ўзбек киноси яхши, мазмунли, биографик асар билан майдонга чиқа олди. Албатта томоша қилинг. Битта катта шоирнинг умри сизнинг ҳам ҳаётингизга тутшиб кетганини англайсиз.

## ЎЗБЕК АЁЛИ — НАФОСАТ РАМЗИ

Тошкент Фотосуратлар уйида "Ўзбекистон хотин-қизлари таълим соҳасида" мавзусидаги II Республика анъанавий фотокўргазмаси очилди. Ундан ўрин олган мамлакатимизнинг турли тарихий даврларида олинган 200 дан ортиқ фотосуратларда таълим соҳасида олинган хотин-қизлар ўз аксини топган. Улардан 40 дан зиёди илк бор намоиш этилмоқда.

Уларни кўргазмага тайёрлаш жараёнлари



ҳақида кўргазма очилишидаги давра суҳбатида томошабинларга тушунтирилди. Экспозициядан "Тракторчи касбини биринчилардан бўлиб эгаллаган ўзбек қизлари" (1930), "Аёллар клуби аъзолари" Тошкент (1933). "115-сонли ўрта мактаб 1-синфларнинг ўқитувчиси она-тили дарсида", Тошкент (1946), "Ўзбек қизлари кутубхона ўқув залида" (1939), "Халқ артисти Тамарахоним хотин-қизлар даврасида" (1940), "ТошМИ талабалари дарсга тайёрланишмоқда" (1945), "Тошкент шаҳар 163-сонли мактаб 2-синфларнинг ўқитувчиси она-тили дарсида" (1948), "Кимё фани бўйича лаборанти ўқувчилар билан машғулот пайтида" каби фотосуратлар бу ерга келган муҳлисларни мулоҳазаларга чорлайди, тарихимизни янада кенгроқ тушунишга ёрдам беради.

Тадбирда таълим муассасалари ходимлари, турли касб эгалари ижодкорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиб, кўргазмада намоиш этилаётган фотосуратларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида фикр юритди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ



Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, фуқароларимизни эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалланинг ўрни кундан-кунга ортиб бормоқда.

Шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ва аёлларга ёрдам бериш, уларни билим ва касб ўрганишга иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада етарлича имкониятлар яратилганидан хабаримиз бор.

Бугун барча давлат идоралари фаолиятида аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш бўйича янги тизим яратилди. Жойларда ўтаётган сайёр қабуллар халқнинг дардини эшитиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда шак-шубҳасиз, қутилган натижаларни бермоқда.

Асосан, жисмоний ва юридик

шахслар вакилларининг қабулларини давлат органларининг мансабдор шахслари иштирокида ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар муаммолари билан ишлашни самарали "маҳаллабай" ўрганган ҳолда жойида, тезкор ҳал этиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли бошқармалар, туман ҳокимликлари мутасаддилари иштирокида Чилонзор ва Учтепа тумани аҳолиси учун Оммавий қабул ташкил этилди.

Сайёр қабулда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Чилонзор туман ҳокимлиги, Учтепа туман ҳокимлиги, Ёшлар ишлари ва спорт вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Мазкур қабулга, юзлаб фуқаролар турли муаммоларини ҳал қилиш мақсадида ташриф буюришган бўлиб, асосан фуқаролардан келиб тушган муурожаатларнинг аксарияти уй-жой сотиб олиш учун субсидия ажратилиши

## МАҲАЛЛА – ҚАДРИЯТ МАСКАНИ

ва соғлиқни тиклашга амалий ёрдам бериш масаласидир. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, мурожаатлар ҳам ёзма, ҳам оғзаки тарзда қабул қилиниб, уларнинг айримларига шу ернинг ўзиде амалий ечим топилди.

Маълумки, инсон саломатлиги барча нарсадан устундир. Табиийки, аҳоли мурожаатларининг аксарияти тиббиёт соҳаси билан боғлиқ. Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Н.Сотиболдиев билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

– **Айтингчи, аҳолидан келиб тушаётган мурожаатлар асосан қандай масалаларга қаратилган?**

– Асосан, Санатория шароитида даволаниш учун қанча муддат кутишимиз керак? Ордер кимларга берилади? Шунингдек, ижтимоий соҳаларда пенсия жамғармаси билан ишлаш борасида мурожаатлар кўп. Бироқ, дори-дармон масаласи бўйича ҳеч қандай мурожаат тушмади. Сабаби, ўтган йилги даволаниш жуда ҳам яхши бўлган эди. Тўғри, сурункали ва оғир касалликлар бўйича фуқаролар энгиллик бўлишини хошлашади, лекин унинг назорати бўлади, бу борада ҳам фуқароларга тушунтириш ишларини олиб бордик. Шу билан бир қаторда, имтиёз тоифасига кирувчи фуқароларнинг ҳаммасига Республикада ихтисослашган ёрдам бўйича бепул ёрдам бериш тавсиялари берилди.

– **Ордер олиш тартиблари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– Тошкент шаҳридаги 38 та шифохонага тақсимланган ордерларимиз бор. Агар бемор стационар текширувдан сўнг, ҳақиқатдан ҳам шу ордерга муносиб деб топилса, унга албатта ордер берилади. Бундан ташқари, шаҳарда ҳал бўлмаган муаммолар, бевосита республика миқёсида кўриб чиқилади.

Ана шундай мурожаатлардан бири Чилонзор тумани "Нақшолик" маҳалласида истиқомат қилувчи А.Турсунгулдан келиб тушган бўлиб, мурожаатда айтилишича, 25 ёшли қизининг соғлиги ёмонлашиб, яқинда 1-гурӯх ногирони бўлиб қолган. Мазкур мурожаат қабулхонасининг раҳбари Шавкат Мирзажонов яқиндан ўргангани ва тегишли мутасаддиларга бириктириб, муаммоси ҳал қилингани ҳақида чуқур миннатдорчилик билан таъсис этди.

Бундан ташқари, Чилонзор тумани "Чўпонота" маҳалласида яшовчи Норбўтаева Феруза опанинг оилавий аҳоли ўрганилиб, турмуш ўртоғи 2-гурӯх ногирони эканлиги ҳамда яшаш шароити яхши эмаслиги масъуллар томонидан инобатга олинди, унинг мурожаати ижобий ҳал қилинишига ваъда берилди.

Айтиш жоизки, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш борасида яратилган янги тизим юртимиздаги ҳар бир фуқаро бугун ўз ҳаётини рози ва мамнун бўлиб яшаши учун амалга оширилаётган ислохотларнинг бир қисмидир.

Дилнур МАМАСАФОЕВА



# ОГОҲ БЎЛИНГ!

## БУЗҒУНЧИ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИГА ТУШИБ ҚОЛМАНГ



“Рёдан” халқаро ёшлар ҳаракати яқинда ижтимоий тармоқларда тарқалган хабарлар орқали маълум бўлди. Бундан аввал ҳеч ким бундай субмаданиятнинг мавжудлиги ҳақида ўйламаган ҳам эди. Жамоатчиликда ушбу ҳаракат ҳусида кўплаб тахминлар пайдо бўлди. Баъзилар “Рёдан” аъзоларини “жанговар аниме мухлислари” дейишса, бошқалар уларни “радикал миллатчилар”, деб аташмоқда. Яна бир бошқа маълумотларга кўра, эса ёшлар субмаданият таъсирига тушиб қолишган. Хўш, аслида “Рёдан” ҳақида нима маълум, бу ҳаракат қандай пайдо бўлди ва унинг мақсади нима?

Маълумотларга кўра, “Рёдан” – “Ўргимчаклар, арвоҳлар отряди” номи билан ҳам танилган бўлиб, «Hunter x Hunter» япон анимациясидаги хаёлий жиноий гуруҳдир. Ушбу анимацион фильм 1999

йилда пайдо бўла бошлади, аммо сўнги йилларда у бутун дунёда машҳурликка эришди.

Бир мунча вақт ўтгач, анимация мухлислари учун ўргимчак расми туширилиб ўртасига “4” рақами босилган футболка, кофталар, кепкалар ва Рёдан гуруҳи услубидаги бошқа кийимлар чиқа бошлади. Ушбу кийим «Hunter x Hunter» аниме мухлислари орасида жуда машҳур бўлди. Шунингдек, янги ҳаракат аъзолари узун қора ёки бўялган сочларда юришади. “Рёдан” вакиллари ташқи кўринишда бошқа хусусиятларга эга эмас.


Субмаданият ҳаракат аъзолари йиғилиб, уларни қизиқтирган аниме, ўйинлар ва бошқа ёшлар мавзуларини муҳокама қиладилар. Уларда қатъий мафкура ёки талаб қилинадиган тадбирлар рўйхати йўқ.

Қисқаси, бу япон мультфильмларини яхши кўрадиган оддий ўсмирлардир. Улар умумий манфаатлар тамойили асосида ижтимоий гуруҳга бирлашдилар ва унга “Рёдан” номини беришди. Кейинчалик “Рёдан” икки гуруҳга бўлинди. Биринчисининг вакиллари ҳали ҳам “ўргимчаклар” кийимларини кийган ҳеч кимга ҳеч қандай хавф туғдирмайдиган оддий аниме одамлари эди. Иккинчи гуруҳ эса, тажовузкор бўлиб, йирик шаҳарлардаги савдо марказлари бўйлаб оломон ичида юра бошладилар ва бошқа субмаданият вакиллари ёки уларга ёқмаганлар билан оммавий жанглар уюштира бошлашди...

Ўзбекистонда “Рёдан” халқаро ёшлар ҳаракати гуруҳи қаердан пайдо бўлди?



Тошкент шаҳар ИИББ  
Ахборот хизмати раҳбари  
Нилуфар ИСАХОНОВА:



– Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасига, япон комиксларидан бирининг қаҳрамонларидан илҳомланган «Рёдан» халқаро ёшлар ҳаракати мухлислари юртимизда ҳам борлиги ҳақидаги хабарлар келиб тушди. Ҳаракат ҳақида нималарни билиш лозим ва у қандай хавф туғдириши мумкин?

Дастлаб “Рёдан” ҳаракати ташкил этилганда, интернетдаги бир нечта виртуал жамоалардан иборат бўлиб, унинг аъзолари япон анимация санъати мухлислари ҳисобланган ва ўсмирларнинг қизиқишлари бўйича бирлаштиришдан бошқа мақсадларни кўзламаган эди. Болалар ўзларининг севимли санъатларини муҳокама қилар

ва шунга ўхшаш кийимларни (орасида ўргимчак расми ҳамда 4 рақами бўлган катакли шим ва футболкалар) танлашар эди.

Бироқ, вақт ўтиши билан ҳаракатдан янги йўналиш ажралиб чиқиб, улар ичида бир қатор тажовузкор шахслар пайдо бўлди. Улар ҳудуддаги вазиятни беқарорлаштириш, ўсмирларнинг тўлиқ шаклланмаган дунёқарашига таъсир ўтказиш орқали уларни назорат қилишни мақсад қилиб олдилар. Бунинг оқибатида, тармоқдаги бегона шахсларнинг бузғунчи широрлари таъсирига берилиб кетган болалар жамоат жойларида тўпланиб, оммавий тартиббузарликларни уюштира бошладилар.

Айни пайтда “Рёдан” ҳаракати томонидан уюштирилган бундай ҳолатлар Россия Федерацияси, Украина, Белорусс ва бир қатор бошқа давлатларда қайд этилган. Жанжаллар томонларнинг турли даражадаги тан жароҳатлари олишига, шахсларнинг мулкига зарар етказилишига, кўплаб маъмурий ва жиноий ишларнинг кўзгатилишига олиб келади. Биз юртимизда бундай оқибатларни олдини олишимиз керак.

Жорий йилнинг 5 март куни бир нечта давлатларда турли бузғунчи ва адоват ғояларини тарғиб қилувчи “Рёдан” ҳаракати гуруҳи аъзолари томонидан соат 18.00 да Форумлар саройи олдида йиғилиш ўтказилиши ва пневматика, совуқ қуроллар, ўқотар қуроллар билан қуролланиб келишлиги ҳақида хабар чиқарилган. Мазкур хабарларни

текшириш ва жамоат тартиби бузилишини олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси томонидан махсус тезкор-профилактик тадбирлар ўтказилди.

5 март куни тахминан соат 18.00 ларда пойтахтимизнинг халқаро Форумлар саройи олдида 50 га яқин вояга етмаганлар тўпланганлиги аниқланди. Улар Яшнобод тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасига олиб борилиб, профилактик суҳбат ўтказилди. Ўрганишлар жараёнида 9 нафар вояга етмаган шахслар ижтимоий тармоқлардаги “Рёдан” каналига аъзолиги аниқланди. Барча вояга етмаган шахслар шу куннинг ўзида ота-онаси ёки яқинлари билан бирга уйига қўйиб юборилган, ҳеч ким процессуал тартибда ушланмаган.

Оммавий тартибсизликни, диний, миллий, этник адоватни тарғиб қилувчи хабарларни тарқатган шахсларни аниқлаш юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ томонидан текширув ўтказилмоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига муурожаат қилмоқчиман. Хабарингиз бор, ҳозирда ижтимоий тармоқлар орқали ахборот хуружи авж олмоқда. Турли оқимларнинг пайдо бўлиши ортидан, ғаразли ниятдаги шахслар бу оқимларни бошқаришга, бузғунчи ғояларни тарғиб қилишга, аҳоли орасида адоват ва ваҳима уйғотишга ҳаракат қилмоқда. “Рёдан” ҳаракати аъзолари томонидан тарқатилган хабарлар ва шу мазмундаги бошқа хабарларнинг барчаси Ички ишлар органлари томонидан текширилади, ҳар бир ҳолат ўрганилади ва қо-

нуний баҳо берилади.

Ҳурматли ота-оналар! Фарзандларингизга эътиборли бўлинг, уларнинг қизиқишларини ўрганинг, айниқса субмаданият қизиқишларига бефарқ бўлмаг.

Болаларнинг аниме ва мангага бўлган қизиқишини қоралаб бўлмайди. Ле-



кин, бу қизиқиши туфайли у номаълум шахсларнинг таъсирига тушиб қолмаётганлигига, виртуал дунёни ҳақиқатдан ажрата олиш қобилиятини йўқотмаганлигига ишонч ҳосил қилинг.

Фарзандларингизнинг ҳаётига, уларда кечаётган ўзгаришларга бефарқ бўлмаг: улар билан дўстона муносабатда бўлиш орқали қизиқишларини, иштиёқини муҳокама қилинг, шу йўл билан уларнинг фикрини ўрганасиз ва уларда бўлаётган ўзгаришларни сезиш имконингиз ошади.

Шоҳида ЗУФАРОВА,  
тайёрлади







*Ватандошлар кимлар?  
Ватандошлар – барча муаммоларнинг  
ечими айнан бир нуқтада  
эканини тушуниб етган  
ва бирлаша олган инсонлардир.  
Бу нуқта биз учун - шаффоф сайловдир.*

*Ҳамид Содиқ*

## ЭРКИНЛИК БУ СТАТИКА ЭМАС, ЭРКИНЛИК БУ – ДИНАМИКА

- **Сухбатимиз аввалида, биз кўп маротаба ишлатадиган, аммо кўпчилик бир маънода қабул қиладиган атамалар ва уларнинг маъносига тўхталсак: халқ, омма ва жамият тушунчалари...**

- Бу уч тушунча бир-бирига яқин. Тилимизда синоним сўз сифатида қўлланилади. Аслида, бу сўзлар илмий истилоҳда турлича талқин қилинади. Ҳар хил йўналишларда: масалан, ҳуқуқшуносликда, сиёсат-шуносликда бошқача таъриф берилади. Халқ тушунчаси кўпинча ҳуқуқий жиҳатдан қўлланилади. Масалан, давлатларнинг конституцияларида халқ тушунчаси инсонларнинг сиёсий сифатларидан, ҳокимиятни баланслаб турувчи кучдан қатъи назар қўлланилади. Юридик термин нуқтаи назаридан қарасак, халқ – маълум бир ҳудудда яшовчи, давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган инсонлар жамланмасидир. Халқ – ҳокимиятни шакллантиришда иштирок этадиган ягона куч. Жамият эса ўта мураккаб таркибли ва институционал муносабатларга киришадиган тўплам. Омма тушунчаси ишлатилганда сиёсий миллат тушунчасини ҳам қўллаш лозим. Чунки, омма ҳам, сиёсий миллат ҳам юридик жиҳатдан – халқ дейилади. Лекин, бу иккала тушунчанинг ўртасида катта фарқ бор. Омма – ўзи ваколат берган ҳокимият органларига таъсир ўтказа олмайдиган инсонлар гуруҳи. Яна “омма”ни ифодаловчи масса термини ҳам мавжуд. Нима учун масса дейилади, деган савол туғилади. Чунки, масса юмшоқ субстанция ҳисобланиб, хоҳлаган пайтда хоҳлаган кўринишга келтириш мумкин. Сиёсий миллат – ўзи ваколат берган ҳокимият органларини яхши тушунади, уларни тизгинлаб туришда ақл билан иштирок этадиган жамиятдир. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам халқимиздаги омма сифатини камайтириш ва сиёсий миллат даражасига олиб чиқишдан иборат.

Эътибор берадиган бўлсак, рус тилида “Средства Массовых Информации” дейилади. Нега? Чунки, информациялар оммага қаратилади. Информация сўзининг маъноси “ин”- қайта, “форма”-форматлаш, шакл беришдир. Оммавий ахборот воситалари омmani ҳаммиша бир шаклга келтиради. Масалан, Гитлер Германиясида пропаганда вазирлиги

бўлганлиги тарихдан маълум. Вазирлик сифатли жамиятни ҳам фашистлар кўринишига олиб келган.

**Сўнги пайтларда дунё сиёсий майдонида ўзгаришлар жадал суратларда ўсиб бормоқда. XXI аср дунёсини чуқур таҳлил қилишда, шунингдек, мамлакатимизда бўлаётган ислохотларни халқимиз онгига етказишда ўзининг эркин фикри ва кучли билимига эга бўлган шахсларга нисбатан бугун жамиятда эҳтиёж катта. Ҳуқуқшунос Ҳамид Содиқ билан бугун айрим ечимини кутаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш хусусида суҳбатлашамиз.**

Африкада катта-катта геноцидлар ОАВ орқали амалга оширилади. Баъзи давлатлар ОАВ фаолиятини ижобий йўлга қўйиш орқали оммадан сиёсий миллатни вужудга келтиради. Оммавий ахборот воситалари шундай восита ёки қуролки, жамиятни яхши ёки ёмон формат – шаклга келтира олади.

**- Бугун бизнинг сиёсий миллат даражасига чиқишдаги ҳаракат тезлигимиз қандай?**

- Сиёсий миллат даражасига чиқиш ҳеч қачон осон бўлмаган. Мамлакатимизда бу жараён тартибли, тизимли кечаяпти дейиш биров мушкул. Унутмаслигимиз керак бўлган муҳим жиҳат бор. Яъни миллат сиёсийлашиб боргани сари ҳокимият циркуляцияси, яъни айланмаси вужудга кела бошлайди. Жамиятда ўзининг ҳар томонлама салоҳиятини кўрсата оладиган ва ҳокимиятни бошқариши мумкин бўлган ватандошларнинг кўзга кўриниши сиёсий миллат шаклланаётганлигининг белгиларидан. Тарихда ҳам, ҳозирги кунда ҳам мамлакатларда сиёсий миллат ва давлат органлари бир-бири билан рақобатда! Шунинг учун ҳам табиий равишда давлатдаги жараёнларнинг кечилишига мониторинг юзага келади. Тарихга назар солсак, жадидларда бу жараён репрессия билан кечган. Маълум давлатларда бундай баҳсларга киришиш учун ҳатто сиёсий институтлар ташкил этилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий институтлар яъни Парламент,

сиёсий партиялар, ОАВ, нодавлат ташкилотлари мавжуд. Лекин уларнинг фаолияти бошқа масала. Дарон Аджемоғлу ва Жеймс Робинсоннинг “Ўзкий коридор” асарида “қизил қиролича назарияси” келтирилади. Барчамиз билган машҳур эртақда Қизил қиролича ва Алиса қўл ушлашиб бир жойда югураверади ва ҳеч қаерга кетмайди. Бундан маъно шуки, жамият ва давлат ҳаммиша бир-бири билан қўл ушлашиб юриши керак. Бир-бирдан олдинлаб кетмаслиги лозим.

**- Бугунги кунда долзарб ва ижтимоий тармоқларда қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган таълим сизнингча, табақалашиб қолмадими?**

- Тан олиш керак, ўтган 26-27 йил мобайнида таълим билан боғлиқ жиддий ислохот амалга оширилмади.

ўқувчилар келажакда сиёсий элита вертикалини тўлдирувчи шахслар бўлиб етишади. Таълим тизимини бирданга жаҳон талаблари асосида моддий таъминлаш ва у ердан сифатли кадрларни олиш биров мушкул ва шунинг учун турли мактаблар ташкил этиляпти. Аслида, бу ёмон танлов эмас. Лекин унутмаслик керакки, давлат мактаблари жамиятга керак бўладиган сиёсий, илмий, диний, ҳарбий элитасининг шаклланишида муҳим ҳисобланади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мактабларнинг фақат бир турига ургу беравериш жамиятда оқсашни вужудга келтираверади. Узоқ истиқболда мактаб таълимининг ўзагини бир турдаги мактаб ташкил қилиб қолмаслиги керак.

Юло Вооглайд ўзининг “Ватандошлик дастури” асарида:



Янги маъмурият даврига келиб, сиёсий элитани кадрлар билан таъминловчи манба йўқ. Бу пайтда уларнинг олдида иккита йўл турарди: биринчиси бутун бир тизимни тезликда ривожлантириб, сиёсий кадрлар йиғиб олиш; иккинчиси: маълум бир қатламга эътибор қаратиш. Президент мактабларига келадиган бўлсак, бу катта мессаге ҳисобланади. Танлаб олиш тизимдан тортиб энг сифатли билимлар бериш технологиялари орқали тайёрланган

“Таълим соғлиқ кабилдир. Уни инсондан ажратиб ёки организмларга бўлиб бўлмайди” - дейди. Таълимга умумий тафаккур асосида қараш унинг синхрон ривожланишига олиб келади. Олий таълим тизимида жамиятнинг энг сиёсий ёки сиёсий актив бўлиши керак бўлган қатлами таҳсил олади. Мана шу тўрт ёки ундан кўпроқ давр инсоннинг энг сиёсийлашадиган даври ҳисобланади. Таълимдаги энг катта ўзгаришлардан





бири 1 августда бўлиб ўтадиган коррупцион куннинг тугатилишидир. Барчамиз биламизки, 1 августда “бункер”лар бўларди. Ҳатто 70-80% талабалар ўқишга пул билан қабул қилинарди. Ҳозирги пайтда квоталарнинг кўпайиши ва қабул кунларининг диверсификация қилиниши яъни 10-15 кун ичида турли жойларда имтиҳонларнинг ўтказилиши коррупциянинг олдини олди. Талабалар сифатли таълимни талаб қилапти, тизимга бўлган эътирозларни билдирипти. Бундай эркинлик – нормал ҳолат. Олий таълимнинг коррупциядан ажратиб олиниши тизимга импульс берди. Бунинг натижасида талабаларнинг иқтидори, эркин фикрларида кўрина бошлайди. Эътибор қаратишимиз керак бўлган яна бир талаб иш билан таъминлай олмайдиган хусусий олий таълим муассасалари



ёпилади дейилди. Табиий савол туғилади: Ўзбекистон Республикасида асосий иш берувчи ким? Давлат. Сифатли таълим олган бугунги битирувчи катта эҳтимол билан давлат ишида ишламайди. Иккинчи маъмурият даврида глобаллашувнинг шундай шартларини қабул қилдикки, бу жараёнларни тўхтатишнинг имкони йўқ.

**- Сўз эркинлиги борасида амалга оширилган ислохотлар хусусидаги фикрларингиз ҳам қизиқ.**

- Сўз эркинлиги – сиёсий институтларнинг бир-бирини баланслаши натижасида вужудга келадиган жараён. Эркинликни таъминлаш учун унинг устида ҳар куни ишлаш керак. Шундай экан, жамиятнинг онгига эркинлик, мустақиллик каби тушунчалар мунтазам ислоҳ қилинишини синдиришимиз лозим. Ҳар куни бутун дунёда мустақиллик билан боғлиқ маълум бир геосиёсий, ичкисиёсий жараёнлар вужудга келади. Халқнинг кун тартибидида ҳар куни эркинлик масаласи туриши керак. Эркинлик – бу статика эмас, эркинлик бу – динамика.

**- Ахборотларнинг кўплиги, маълумотларнинг сония сари янгиланиши натижасида биз бўлиб ўтган воқеаларни тез унутаяпмиз. Муаммоларни эшитамиз, муносабат билдирамиз. Аммо ечим билан қизиқмаяпмиз.**

- Маълум бир муаммони муҳокама қилганимизда шахсларни, ҳодисаларни эмас, тизимларни ва ғояларни муҳокама қиламиз. Жамиятда бошқарув қарорларига таъсир кўрсатувчи ричаг муҳим. Агар таъсир ўтказиш имконияти юқори бўлса, янги ахборотлар вужудга келади.

Ҳақиқий ватандош атрофидаги воқеаларга, муаммоларга бефарқ эмас. Биз қайси касбда ишлашимиздан қатъи назар, умумий келишувнинг нуқтасини топа олмас эканмиз, ҳеч биримизнинг муаммомиз ҳал бўлмайди.

**Умида ҲАҚБЕРДИЕВА**  
суҳбатлашди



## МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИ ТОМОНИДАН ЧИҚАРИЛАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ



Суд ҳужжатлари ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг муҳим бир тури ҳисобланади. Шу боис, унга нисбатан ҳам ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига қўйилган талабларнинг барчаси қаратилади. Боз устига, айнан суд ҳужжатларига қўйиладиган яна бошқа талаблар ҳам мавжудки, булар мазкур тоифа ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқади.

Суд ҳужжатларининг ҳуқуқий тартибга солиш механизмида тутган ўрни масаласини тадқиқ этишда, дастлаб, “Суд ҳужжатлари қандай ҳужжат?” деган саволга жавоб беришимиз зарур бўлади.

Таъкидлаш керак-ки, инглизча “акт” ибораси кўп маъноларни англатади, бироқ “ҳаракат” маъносида энг кўпроқ ишлатилади. Шу ўринда дастлаб, “ҳуқуқий акт” тушунчасига эътибор қаратиш зарур бўлади. Бинобарин, ушбу атама бир неча маъноларда ишлатилади:

- ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши маъносида;
- ҳуқуқ субъектнинг ҳуқуққа мос хатти-ҳаракати натижаси сифатида;
- юридик ҳужжат сифатида.

Мазкур ибора учинчи ҳолатда, яъни “ҳуқуқий ҳужжат” маъносида юридик адабиёт ва юридик амалиётда кўпроқ қўлланилади. Айнан шу маънода ишлатилганда шакл ва мазмун бирлигини кўриш мумкин. Чунки, бунда қилинган ҳаракат ўзининг сўзли - ҳужжатли ифодасини топади.

С.Алексеев таъкидлаганидек, айнан шу ҳолатда ушбу ибора ҳуқуқий тизимнинг юридик нормалар, индивидуал амр, қоидалар ва шахсларнинг индивидуал қарорлари каби мазмуний элементларини вужудга келиши ва амал қилишининг ташқи юридик ифодаси сифатида намоён бўлади.

Таъкидлаш керак-ки, суд ҳужжатида шартли равишда икки жиҳатни: ички ва ташқи жиҳатларни ажратиш мумкин. Суд ҳужжатиининг ички жиҳати шунда ўз ифодасини топади-ки, суд муайян юридик ишни кўриб чиқишда ақлий - иродавий ҳаракатлар содир этади, тегишли ҳуқуқий норманинг мазмунини ва ҳаракат доирасини аниқлаб олади, ишдаги ҳолатларни ўрганиб, тегишли ҳуқуқий норма асосида уларни таснифлайди ва шу аснода қарор қабул қилади.

Суд ҳужжатиининг ташқи жиҳати суднинг ақлий-иродавий ҳаракатлари натижасининг объектив ифода этишга қаратилган амалий ҳаракатларида кўринади.

Суд ҳужжатига муаллифлик таърифини шакллантириш мумкин: “Суд ҳужжати бу - ваколатли шахслар томонидан қўзғатилган аниқ юридик иш юзасидан процессуал қонунчилик нормаларига мувофиқ шаклда чиқариладиган ва ўзида давлат - ҳокимона амр - иродани ифодаладиган ҳамда ижтимоий муносабатларни индивидуал - яқка тартибда ҳал этишга қаратилган суднинг расмий қароридир”.

Ҳақиқатан, суд қарор қабул қилгунга қадар ҳам тегишли нормаларга асосланб фаолият олиб боради, яъни ҳуқуқни қўллайди, у бир жараён сифатида кечади ва бу жараён натижаси, яқуни сифатида кейин суд қарор қабул қилади ва бу қарорда давлат иродаси – амри ўзининг ифодасини топади. Бу амр, албатта, индивидуал тусда бўлади. Шу тариха суд қарори – бу судларнинг мураккаб ва кўп босқичли ҳуқуқни қўллаш жараёнининг охириги босқичи, унинг яқуни ҳисобланади.

Суд қарорини – ҳужжат сифатида қуйидагича тавсифлаш мумкин: ижтимоий муносабатларни индивидуал тарзда тартибга солишга қаратилган индивидуал амрнинг процессуал нормалар билан белгиланган матнли – ҳужжатлашган ташқи ифодаланиш шакли.

Суд ҳужжатлари ичида юридик ишларни мазмунан ҳал этадиган ҳужжатлар, суднинг ҳал қилув қарори, ҳукм, қарор кабилар алоҳида ўрин тутаяди. Шу билан бир қаторда судда юридик ишнинг мазмунан кўриб чиқиб, ҳал этилишига кўмаклашадиган ҳужжатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ичида энг муҳими бу — ажримдир. Одатда ажрим чиқариш йўли билан процессуал тусдаги масалалар ҳал этилади.

Ишнинг мазмунан ҳал этилишини белгиладиган суд ҳужжатлари, яъни ҳал қилув қарори, ҳукм ва қарорлар чиқариш орқали судлар ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришади ва давлат - ҳуқуқий ваколатларини амалга оширадидлар.

Бундай суд ҳужжатлари анча мураккаб ички тузилишга эга бўлиб, кириш қисми, баён қисми, асослантирувчи қисм ва қарор қисмидан иборат бўлади. Суд ҳужжатиининг кириш қисмида суд ҳужжатиини қабул қилган жой ва сана, қабул қилган суднинг номи ва таркиби, низо предмети, суд муҳокамаси иштирокчилари кўрсатилади. Баён қисмида, ишни қўзғатишга асослар ва унда кўрсатилган талаблар, эътирозлар, ишда қатнашаётганларнинг илтимослари, иш юзасидан фактлар мавжуд бўлади.

Асослантирувчи қисмда эса суд томонидан аниқланган ҳолатлар ва далилларни қабул қилиш ёки рад этишга асос бўлган ҳолатлар ҳамда тегишли ҳуқуқ нормасини қўллашга ва қарор қабул қилишни асослантирувчи хулосалар тақдим этилади.

Суд ҳужжатиининг қарор қисмида яқуний хулоса — суд қарори баён этилади ва суд қарорининг оқибатлари кўрсатилади. Шу ўринда, суд ҳужжатиининг фақат қарор қисми ҳал қилувчи аҳамиятга эга экан, деган хулосага келмаслик керак, чунки унинг ҳаракати ва кучи барча қисмларнинг узвий боғлиқлиги натижасида рўёбга чиқади.

**Тошкент туманлараро маъмурий суди судьяси**  
**Азизбек БОЗОРОВ**





## СЕРИАЛ КЎРИШДАН АСЛ МАҚСАД НИМА?

Телевизор – беминнат овуноқ. Деярли, ҳар бир кунимизнинг маълум бир қисми унинг қаршисида ўтади. Сўнги вақтларда ўз ўрнини смартфонларга бериб қўётгандек кўринаётган бу қурилманинг фойдаланувчилари ҳали ҳам кўпчиликини ташкил қилади. Тан олиш керак, ҳамон “тўртбурчак қутича” дастурларнинг томошабини бор! Сўнги йилларда телевизор турли туман сериаллар билан томошабин диққатини жалб этаётгани ҳам ҳақиқат! Бир пайтлар Лотин Американинг телесериалларига мубтало бўлган томошабин бугун ўзимизнинг маҳсулотларимизни қамраб олишга улгурмаяпти. Хусусий телеканалларнинг пайдо бўлиши сериалларнинг сонига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўзга миллатнинг ёт анъаналари акс этган фильмлардан кўра, ўзимизнинг ўзбекона телемаҳсулотларнинг кўпайгани яхши. Ҳар ҳолда, миллатнинг маънавий онгига бевосита таъсир қилувчи сериалларда миллийлик, ўзбекона руҳият намоён бўлади. Шундай деймиз-у, яна ўйланиб қоламиз. Сўнги йиллардаги ўзбек сериаллари томошабинга ростдан ҳам қутилгандек маънавий озуқа бера оляптими? Ёки шунчаки, вақт ўтказиш учун эрмакми? Умуман, бугунги сериаллар одамнинг руҳий покляниши, яъни, “мана бу қаҳрамон қилган иши учун шу ҳолатга тушди, демак, мен бундай қилмаслигим керак экан” дея фикрлашига қай даражада имкон беради?

Ҳа, маънавиятга, руҳиятга ижобий таъсир кўрсатувчи сериаллар бор, аммо улар бармоқ билан санарли! Аниқроқ айтсак, ҳар ўнта сериалнинг биттасида шундай мақсад кўринади. Сўнги йиллардаги сериалларнинг аксарияти оила, иккинчи

хотин, куда-анда, “дайди қизлар” каби мавзулардан иборат бўлиб қолмоқда. Қаҳрамонлар ҳам деярли ўзгармайди. Ҳар доимгидек қаттиққўл қайнона, содда келин ёки бузуқ келин, содда қайнона, ҳеч нимага аралашмайдиган қайнота, чала тадбиркор эр ва унинг синишини кутаётган ҳамкасблари, келинбойиси билан чиқишмайдиган қайнсингил, чет эл сериалларига ҳавас қилган ҳолда танланган битта ноодатий қаҳрамон. Сюжет ҳам деярли бир хил, келиннинг сарпосидан камчилик топган қайнона жанжал чиқариб келинга кун

бермайди. Келин эса тарбияли оқила бўлиб чиқади ва охирида қайнона қилган ишларидан афсусланади. Ёки, аксинча, қайнона келин бир-бирини яхши тушунади, ўғил эса уйдаги аёлидан қониқмай бузуқ аёллар билан кўнгилхушлик қилишни одат қилади ва охирида пушаймон бўлиб аёлидан узр сўрайди...

Бугун ростдан ҳам ҳамма тадбиркорми? Сериаллардаги ногаҳон қулғимизга чалиниб қолаётган, “фирманинг ишларидан хабар ол”, “хорижлик ҳамкорлар билан гаплаш”, “молларни қабул қилиб ол”, “офисга келиб кет” деган жумлалардан хулоса қиладиган бўлсак, ҳамма шу иш билан банддек. Аммо қандай қилиб бу даражага етгани номаълум. Бир неча йиллар олдин давлат буюртмаси асосида телеканаллар учун суратга олинган сериаллар анчагина ҳаётий, қаҳрамонлари ҳам ёнимиздаги – биз билган одамлар эди. Кимдир ўқитувчи, кимдир савдогар яна кимдир эса оддий уста...

Тан олиш керак, бугунги сериаллар аввалгиларга нисбатан суратга олиш техникаси жиҳатидан сезиларли даражада сифатли. Ҳар ҳолда, бундан бир неча йил олдин суратга олинган сериаллар титрида сценарий муаллифи сифатида таниқли драматурглар, рол ижрочилари – профессионал актёрлар, режиссёр сифатида маҳоратли режиссёрларнинг номлари кетарди. Бастакор томонидан сериал учун алоҳида куй яратиларди. Томошабин профессионал ижродан роҳатланар эди. Диалогларда ишлатиладиган сўзларнинг юки бўлиб, маълум бир шевага асосланмаганлиги билан ҳам эфир қоидаларига жавоб берарди. Бугуннинг сериалларида эса икки ўспирин йигит бир дақиқа давомида гаплашиб туришса, йигирмага яқин “ўрто” сўзини ишлатади. Баъзи сериаллар ижодкорлари ҳатто грим нимадигани билмайди. Масалан, туғруқхонада тўлғоқ дарди билан курашаётган аёлнинг қиёфаси сохта: на терлаган, на юзида дард бор. Уланган киприклар, ясама қош ва ботокс лаблар эса образнинг ёлғонлигини кўрсатади. Бу тарифлар намоийш қилинаётган сериалларнинг ҳаммасига ҳам тааллуқли эмаслигини айтган ҳолда, мавжуд ачинарли ҳолатларга кўз юмиб кетолмаймиз.

Тўғри, давлат телеканаллари томонидан ҳам, хусусий телеканаллар томонидан ҳам сифатли сериаллар намоийш этилмоқда. Хорижий фестивалларда ғолиб бўлиб қайтаётганлари ҳам бор. Аммо, қоп-қора қозоннинг кичкина жойи оқ бўлса ҳам, одам уни қора қозон сифатида кўради.

Ижодкорларни фақат қораламоқчи эмасмиз. Шунчаки, сериал суратга олишдан мақсад томошабинга оқ ва қорани ажратишга кўмаклашиш, ёмонликдан қайтариб, яхшиликка йўналтириш эканлигини эслаб қўймоқчимиз, холос. Бир неча йил аввал суратга олинган давлат сериалларида шу сифатлар борлиги учун ҳам бугунгача уларнинг номлари унутилмади. Ҳозир эса йилига эллиқдан ортиқ сериаллар тақдим этилмоқда, бироқ уларнинг орасида эслашга арзиғulik намоийш деярли йўқ.

Умуман олганда, бугун томошабин қандай мавзуларга муҳтож, қандай мавзулардан безди, қандай мавзуларга эҳтиёж сезмоқда?



**Музаффар ЭРКИНОВ, кинорежиссёр:**

– Авваллари юртимизда сериаллар асосан “Ўзбек-телефильм” давлат унитар корхонаси томонидан суратга олинар, ҳар битта сериал сценарийси бадиий кенгаш томонидан муҳокама қилинарди. Хусусий киностудияларга эркинлик берилиши туфайли, профессионал ижодкорлар билан бир қаторда ушбу соҳага эндигина кириб келган, ҳали унинг тартиб-қоидаларини англаб етмаган “эжодкорлар” ҳам ўзларини сериалларда синаб кўришга ўтди. Бундан ташқари, камроқ пул сарфлаш мақсадида непрофессионал актёрларни жалб этишди. Натижада савиясиз фильм ва сериалларнинг сони ҳам орта бошлади.

Айни кунларда намоийш этилаётган сериаллар афсуски, ўзбекона андиша ва менталитетдан йироқдек. Сериал ва фильмларнинг ёшлар тарбиясида ўрни жуда катта. Тўғри, сериал одамни тарбияламаслиги мумкин, аммо ёмон иллатларни ҳам тарғиб қилмаслиги керак. Сериалларимиз мавзусининг аксарияти ётоққа тақалган, у ердаги диалогларни эса эр ва хотин биргаликда эшитишга уялади баъзида. Бундай мавзуларни кўраётган ёшларнинг эса дийдаси қотиб бормоқда. Натижада, одам ўлдириш, ўз отасига қўл кўтариш, ўғай қизи билан “юриш”, ўз аёли бўла туриб, бегона аёл билан муносабатда бўлиш мумкин, деган фикрлар пайдо бўлмоқда. Бу эса миллатни таназзулга олиб келадиган омиллардан бири. Аслида, сериал нимага хизмат қилиши керак эди? Яхшиликка-ми ёки ёмонликка?!

Маълумот ўрнида айтиб ўтмоқчиман, кўп китоб мутулаа қилиб тураман. Ҳарб ёзувчиларининг XX аср бошларидаги воқеалар тасвирланган айрим асарларида қизнинг елкаси очиб кийингани учун қаттиқ койилгани, ота қизи йигит кишини уйига бошлаб келганига чидай олмай, бошқа шаҳарга кўчиб кетгани каби бир неча воқеалар мавжуд. Бир пайтлар бу ҳолат Ҳарбда ҳам қаттиқ қораланган, бугун эса уларнинг мадания-






тига ҳавас қилиб бўлмайди. Агар келажак авлод ҳақида қайғурадиган бўлсак, аввало, сериалларимиз мавзусини ўзбекона андиша ва одоб-ахлоққа мослаштиришимиз керак, акс ҳолда...

Энг аввало, яхши маҳсулот тақдим қилиш учун яхши сценарий керак. Жамоани ҳар бир ходими профессионал ижодкорлардан иборат бўлиши лозим. Бир неча йиллар аввал сериал суратга олиш учун бирор жойга борсак, ғурурланиб борардик, (кулади) ҳозир эса сериалларнинг даражасини шу даражага олиб келиб қўйишдики, аксарият жойларда уялиб қоляпмиз. Шунинг учун ҳам жойимизни непрофессионалларга бўшатиб қўймоқчи эмасмиз. Ва, албатта, яхши сериаллар суратга олиш ниятимиз бор.



**Жайрона ҲАСАНОВА, актриса:**

– Мен ижро қилган ижобий ва салбий роллар фоизи аслида, бир хил. Лекин кўпчилик мени салбий ролларни ижролагани деб билади. Афсуски, реал ҳаётда ҳам мен ҳақимда шундай фикрда юрадиганлар кўп. Мен шунчаки, ҳаётимизда учраб турадиган одамларни экранда жонлантириб бераман. Биз сериал ва фильмларни нима учун суратга оламиз, инсонлар ўзларига четдан назар сола билиши ўз ютуқ ва нуқсонларини ажрата олиши учун. Бошқача жанр, бошқача сюжетдан иборат сериалларда ҳам роль ижро этишни жуда хоҳлайман. Бироқ, таклифлар кам бўлади. Томошабинлар томонидан нега фақат бой ва камбағал, қайнона ва келин мавзусидан иборат фильм сериаллар суратга оласизлар, бошқа мавзулар йўқми, деган эътирозлар кўп бўлади. Бошқача мавзудаги фильмлар ҳам суратга олинди. Айримларида мен ҳам иштирок этдим. Бироқ, томошабин фильмни кўрмади. Аслида, қайнона ва келин мавзусидан нолиётган томошабиннинг ўзига шу мавзу керак. Кўзи ожиз ёки ақли заиф инсонлар ҳақидаги фильмлар бизда деярли йўқ. Сценарийнависларимиз мана шу мавзуларда сценарийлар ёзишсин. Шахсан мен айнан мана шундай ролларни ижро этишни жуда истардим. Бироқ таклиф йўқ, таклиф бўлиш учун яхши сценарийнинг ўзи йўқ. Телеканаллар эса эфирни тўлдириш учун мавзуга деярли аҳамият бермаяпти. Сиз умуман бошқача янги жанрда фильм суратга олмақчи бўласиз. Унга эса чекловлар қўйилади. Чекловлар қўйилган фильмни эса томошабин кўрмайди. Кейин эса яна ўша эски мавзуга қайтишга мажбур бўламиз. Яхши сериал намойиш қилиш учун, аввало сериалда профессионал ходимлар жамланиши керак. Ҳозир эса аксинча маблағ етишмас “конфетлар”ни таклиф қилишади, сценарий ёзиб тугатилмасидан суратга олиш ишларини бошлаб юборишади. Биз, аввало, томошабинни сифатли маҳсулот талаб қилишга ўргатишимиз керак. Ана шунда телеканаллар сифатли нарсани тақдим қилади. Режиссёрлар эса сифатли фильмлар суратга олишади, профессионал ижодкорларга роль беришади. Шахсан мен юқоридаги сюжетлардан иборат сериаллар суратга олинмай қолишидан кўрқмайман. Яхши ижодкорга ҳар доим эҳтиёж бор.



**Замира БЕГИМҚУЛОВА, кинорежиссёр, сценарийнавис:**

– Устозим Маҳкам Муҳаммедов ўзбек сериаллари ҳақида шундай деган эдилар: “Ўзбек сериали драма-

тургия қонун-қондасига асосланган бўлиши, дастурхон атрофида жамланган ота ва бола, қайнона ва келин, қайнона-куёв бирга кўра олиши, уялиб аста кўчага чиқиб кетишига ҳожат бўлмаслиги керак”.

Мен ҳам қилган ҳар бир режиссёрлик ишимда мана шунга амал қилганман. Бу кичкина экран жуда кучли таъсирга эга. Бу ерда кўрсатилган нарсани худди қонундек таъсир қилади. Нима намойиш қилишдан қатъи назар эҳтиёткорликни биринчи ўринга қўйиш керак. Айниқса, бизнинг халқимиз ҳиссиётларга бой, ишонувчан халқ. Экранда кўраётган воқеаларни реал ҳаётда ҳам қилиш мумкин экан, деган хаёлга бориб қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам мен ўз ишларимда “яланғоч сўзлар”, беандиша саҳналардан йироқ бўлишга ҳаракат қилганман. Телевидение раҳбарияти ҳам биздан айнан мана шу жиҳатларни талаб қилар эди. Ҳаттоки, қизларнинг енгиз қўйлақда, тор шимда, сочлари ёйилган ҳолатда экранда кўриниши мумкин эмасди. Томошабиннинг ўзи ҳам бундай ҳолатларни қабул қилиши қийин эди. Сценарийимизни боши қандай бошланиши билан қандай якунланиши олдиндан билар эдик.

Сериал худди йўлчи юлдуздек томошабинга йўл кўрсатиши керак. Яхшилик ҳар доим ғолиб бўлишини ишонарли воқеалар билан кўрсата олиш зарур.

Ҳозир деярли сериал кўрмайман, чунки сериал бошланиши билан шевада гапириш бошланади. Худди, бу сериал фақат маълум бир ҳудудда яшовчилар учун мўлжаллангандек. Ваҳоланки, сериалларни адабий шевада суратга олиш телевидениенинг “темир” қонунларидан бири эди. Бўлаётган воқеага таъсири бўлсагина, шевадан фойдаланилган. Ҳозир эса воқеа Самарқандда бўлса ҳам Тошкент шеvasида гапириляётганига гувоҳ бўляпмиз. Бу профессионал ижодкорларнинг ғашига тегади. Суратга олинаётган ҳамма сериал ҳам шундай деган фикрдан йироқман. Ҳозир сериал деганда кўпчиликнинг кўз олдига хусусий телеканаллар томонида эфирга узатиляётган сериаллар келадиган бўлиб қолган. Ваҳоланки, давлат телеканаллари томонидан ҳам профессионал ижодкорлар томонидан суратга олинган, адабий тил меъёрларига амал қилинган сериаллар эфирга узатилмоқда. Негадир, у телеканалларни кўпчилик томоша қилмай қўйди. Балки ярим-яланғоч, маза-бемаза мавзулардан нолиётган одамларнинг ўзига шундай мавзулар қизиқроқдир?!

Яна бир уйлантирадиган савол шундаки, ҳозирги сериалларда бой одамларнинг образи жуда кўп тасвирланади. Лекин у пулни қаердан топаётгани, қандай йўл билан бойигани, фирма ёки цехидаги иш жараёнлари деярли кўрсатилмайди. Энг оғриқли нуқта эса аёлларимизни ҳаддан ташқари ёмон кўрсатиб юбориляётгани деб биламан. Реал ҳаётга назар солинг, ҳамма аёллар ҳам хиёнаткор, шаллақи, одам ўлдиришдан кўрқмайдиган, эри билан тенгма-тенг тортишадиган аёллардан иборат эмас-ку! Бунинг устига, уларнинг ҳаддан ташқари бўянишлари кулгили. Қишлоқда оғир шароитда яшайдиган аёл ҳам киприклари уланган, лаблари иширилган қиёфада намоён бўлмоқда. Бу оддийгина жиҳат, лекин зийрак томошабин учун жуда кулгили ҳолат. Маълум бир касалликка учраган одамнинг қиёфасида эса ўша касалликнинг аломатлари йўқ. Яъни саратон билан оғриган беморда озиб кетишдан дарак ҳам йўқ. Буйрак касаллиги билан оғриган бемор кўзларида ҳолсизлик аломати кўрсатилмайди. Деярли ҳамма қахрамоннинг макияжи бир хил кўринишда. Ахир гримм дегани бу макияж эмас-ку!

Мен яна бир сериал сюжети ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Номи сир бўлиб қолсин. Сериал қахрамонларидан бири ҳалок бўлади. Майитни ислом дини қонун-қондаларига амал қилган ҳолда, ювиб, кафанлаб кўмишади. Бир неча қисмдан кейин эса у қахрамон яна пайдо бўлиб қолади. Нима учун пайдо бўлиб қолгани ҳақида эса ҳеч қандай гап кетмайди, сабаблар ҳам кўрсатилмайди. Бу ҳолатни қандай ўзлаш мумкин? Томошабин аҳмоқми ёки шунчаки, режиссёр драматургия қондаларига амал қилишни хоҳламай, воқеалар шундай давом этишини истадимми?

Турк сериаллари ҳақида кўп салбий фикрлар билдираман. Баъзи эътирозимиз асосли ҳам. Аммо улардан ўрганадиган жиҳатларимиз ҳам жуда кўп. Айниқса, уларда табиий чиройга эга бўлган актрисалар ижросининг салмоғи жуда катта.

Мен киноижодкорларни фақат ёмонлашдан йироқман. Шунчаки, ўз ишларига профессионал тарзда ёндашишларини истайман. Айрим дубляж актёрларидан эштишимча, баъзи сериалларнинг матни ҳам мавжуд эмас экан. Актёр эшитган гапини ўзи тўғрилаб овоз беришга мажбур бўляётган эмиш. Тўғри, биз суратга олган миллий телесериаллар билан юқоридаги сериаллар маблағи ўртасида жуда катта фарқ бор. Бизнинг эҳтиёжимиз телевидение томонидан тўлалигича қопланарди. Ҳозирги хусусий телеканалларда кетаяётган сериаллар эса жуда оз маблағ билан суратга олинмоқда. Суратга олиш учун пул сарфлаган продюсерларнинг айтганини қилишига мажбур бўляётганлар ҳам бор. Сериалларни ёмонлашдан олдин танганинг бу томонига ҳам эътибор бериш керак.

“Ҳаёт айт” номли сериални томоша қилдим ва хурсанд бўлдим. Яхши сериал оладиган режиссёрлар ҳам бор экан. Мавзу ҳам долзарб, актёрлар ҳам жуда яхши танланган. Баъзи камчиликлар эса маблағ билан боғлиқлигини сезгандек бўлдим. Мен уларни аёвсиз танқид қилишдан йироқман. Улар ҳам бор маблағдан келиб чиқиб меҳнат қилишяпти. Уларни танқид қилавергандан ҳам фойда йўқ. Истеъдодли режиссёрларни, албатта қўллаб-қувватлаш керак.



**Хуснилло ЖОМОНҚУЛОВ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси, драматург:**

Менимча, бугунги сериаллар ўз вазифасини бажармаяпти. Мавзу доираси жуда чегараланган. Сериал томоша қиладиганларнинг аксарияти уйда ўтирадиган аёллар, чунки, мавзуларнинг кўпи фақат уй бекалари учун! Таасуфки, бошқа танлов бўлмагани учун ҳам шу сериалларни кўришга мажбур. Телевидение – аудиторияси катта, суратга олиш осон бўлган бир хил мавзуларни суратга оляпти. Шифокорлар ҳақида сериаллар олинди. Ҳарбийлар, ЙПХ ходимлари қахрамонларнинг ҳаётини ҳам экранга кўчириш мумкин. Шунда ҳозиргидек оддийлик ва бир хилликдан оз бўлсада йироқлашамиз. Янги мавзу, янги қахрамон ва янги характерларга эга сериаллар суратга олган бўламиз. Ҳозир эса фақат томошабин ортидан қувлаб, улар талаб қилган мавзуларни суратга олишмоқда. Бу жамиятнинг бузулишига олиб келади. Жамиятнинг ривожланиши учун мавзулар хилма хиллигини ошириш ва жиддий лойиҳаларни кўпайтириш керак.



**Вазира ЮНУСОВА, актриса:**

– Бундан икки йил олдин сериаллар анчагина савиясиз эди. Айни кунларда сериал суратга олаётган режиссёрлардан мен жуда хурсандман. Аста-секин сценарийга, актёрларнинг савиясига эътибор берилмоқда. Шахсан ўзим суратга тушаётган “Номус” сериалида деярли ҳамма ўз касбининг устаси, жамоа профессионаллардан ташкил топган. Маблағдан қочмай, профессионалларни жалб қиляётган продюсерлар сони ҳам ортаётгандек менимча. Билимли, касбини ёқтирадиган режиссёр, албатта, юксалиб бораверади. Непрофессионаллар эса аста-секин элақдан тушиб қолаверади.

Биз актёр бўлиш учун тўрт йил давомида таълим олганмиз. Бироқ, актёрликдан ҳеч қандай хабари йўқ одам ҳам роль ижро этиб кетаётгани, аламли. Улар билан роль ижро этиш эса жуда қийин. Мавзулар бир хиллигидан ўзим ҳам чарчаганман. Медицина, прократура билан боғлиқ мавзудаги хориж сериалларини томоша қилсам, ҳавасим келади. Бизнинг сериаллар эса қандай мавзулардан иборат бўлиб қолаётганлиги ҳаммага аён. Яна ўша иккинчи хотин мавзуси. Аслида, бу мавзу ҳам долзарб... боқувчисини йўқотган, ночор аёлга уйланса, ёки бефарзандлиги сабабли уйланса, менимча бунинг ёмон томони йўқ. Лекин биз томоша қиляётган сериалларимизда эркаклар иккинчи хотинга уйланишни худди “мода” деб қабул қиляётгандек. Улар уйланаётган аёллар эса ҳеч қандай моддий камчиликка эга бўлмаган бой-бадавлат аёллар.

**Миржалол МАҲКАМОВ тайёрлади**







Ҳамма инсонлар қатори мен ҳам онамни севаман. Онам бугун ёнимда йўқ, аммо қалбимда борлар. Она сингари ҳали ҳаёт бўлган барча оналар эрта билан болам турадиган вақтинг бўлди, турақол, деяётгандай. Болам чой дамлаб қўйдим, ичиб кет. Яхши келдингми, болажоним, ўқишдан, ишдан чарчамадингми? Бу саволлар менга куч бағишларди, руҳиятимни кўтарарди. Бу сўзлар ҳозир йўқ. Бу сўзларни айтадиган одамим йўқ. Она сути, она меҳри, она қарғиши (жуда камдан кам бўлади) га тенг келадиган куч ҳам, баҳо ҳам, дуо ҳам йўқ.

Онани севмоқ иймондан, онани эъзозлаш, унга меҳр билан муносабатда бўлиш фақат инсонларга хос. Она ҳеч қачон қаримайди. Она доим ёш, мўътабар, меҳрли ва ўлмасдир.

Бир вақтлар, бундан 25 йил, яъни чорак аср олдин унда онажоним бағримда эдилар, мустақиллигимиз кунлари кўз ёш олиб, уриш деган аждаҳо қанча-қанча одамларни ўз дамига тортди. Уруш бошқа бўлмасин, тинчлик бўлсин деб дуо қилардилар, ҳеч қачон сенлар уруш деган сўзни эшитманглар ҳам, кўрманглар ҳам дердилар...

...Онажоним ҳақида нимадир ёзгим келарди. Ёзгим келарди-ю онамнинг менга кўрсатган муруватларининг мингдан бирини ҳам сўзлаб беролмаслигимдан чўчирдим. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Аммо кичик бўлса ҳам бу қасидани онамга бағишлагим келди. 2023 йилнинг 9 ноябрида онажоним 100 ёшга қирардилар. Парвардигор ўз раҳматиға олган бўлсин, дея онам руҳ-покларига бир чимдим дуо билан чекландим, холос. Онамнинг менга кўрсатган бир сониялик меҳнати ва меҳрига бутун умрлик меҳнатиму меҳрим етмайди. Менга берган бир қултум оқ сути учун бу дунёю у дунё онамдан қарздорлигимни унутолмайман. Оналар ана шунақа фаришталар экан. Бу ҳақиқатни кейин биларкансан, одам...

Меҳрибоним, онажоним шу 100 ёшларини кўролмадилар. Лекин каттақон оиламизда, неварар, эвара ва чеваралар билан бу санани нишонлаймиз. Шундай кунда барча оналарга тинчлик, осойишталик ва узоқ умр тилаш ҳам савоб. Барча онажонларга

# ОНА - МЕҲР БҮЛОҒИ

бошимиз ерга етгунча қуллуқ қилиб, бир парча этни ардоқлаб ўстириб, оёққа турғизиб, одам қилган ҳақиқатдан ҳам Буюк инсонларга қуллуқ қилайлик. Шу баҳонада барча онажонларга қарата “Омон бўлинглар ва ҳеч қачон хўрлик, зўрлик кўрманглар” деб баралла айтгимиз келади. Онажоним 1923 йил таваллуд топиб, 2009 йили 86 йил яшаб қазо қилдилар.

Мен таваллуд топган 1940 йил 28 ноябрда онам 17 ёшга энди тўлган эканлар. Онамнинг таваллуди 1923 йил 9 ноябрда эди. 1941 йил 7 августда отам иккинчи жаҳон урушига кетади ва бедарак йўқолгани ҳақидаги маълумотнома 1943 йилда келганича, бошқа на хат, на улардан бир хабар келмайди. Онам қазо қилган 2009 йилгача отамни кутиб бу дунёдан кўз юмдилар. Онажоним вақти етди шекилли, тетик туриб болам: Ўлимимга сўнги соатлар қолди чоғи, билиб қўй “Жанозамни отангники ҳам деб бирга қўшиб ўқитгин”, деб васият қилган эдилар. (онамнинг истаги шундай бўлганди, мен ҳам шундай қилдим)...

Онам отамга ваъда берган эканлар. Воқеа бундай бўлган экан. 1941 йил 7 август отам онам билан хайрлашаётиб, “Лазакатхон, уруш қачон тугашини билмайман. Шу боисдан мени бир йил кутинг, агар келмасам ўғлим отасиз ўсмасин, сизга рухсат бераман, сиз ҳали жуда ёшсиз” деганда, онам раҳматли отамнинг елкасига бош қўйиб, кўзларини отамдан яшириб, йиғи аралаш ундай деманг, қанча йил кетмасин мен сизни тирик эканман кутаман” деган эканлар. Шу, шу онам ўз сўзида умрининг охиригача турдилар. Меҳрми ёки бу чин севганим билмадим онам отамни етмиш йил ўлган демадилар, кутдилар. Ваъдага вафо шунчалар бўларканда. Онамдан мен ягона фарзанд бўлганим учун, озгина бебош, эрқароқ бўлиб ўсганим аниқ. Онам ҳеч қачон ёмон сўз билан қарғамаганлар ҳам, урмаганлар ҳам. Фақат ва фақат меҳр билан ўзлари емай едирганлар, ўзлари киймай кийдирганлар. Уйда ҳеч нима бўлмаганда бундай кунлар кўпроқ бўларди, туршак ош қилиб берардилар. Отамнинг опалари Сурмахон ойим, онам ва мен уччаламиз бирга яшардик. Уйимизда туршак кўп бўларди. Туршакни иссиқ сувда қайнатиб ердик. Бу овқат менга куч берарди.

...1946 йил. Уруш тугаб ҳамма қайтаётган пайт. Биз учун оғир бўлган бўлса керак. Мен-ку билмайман, аммо бувим билан онамга жуда оғир дамлар бўлган бўлса керак. Қайсидир хонадонда чироқлар ёқилган, кулги-хурсандчилик, қайсидир хонадонда мотам. Бизда эса ҳали умидворлик, ишонч сўнмаган пайт. Кулишни ҳам йиғлашни ҳам билмасдик.

“Ўғилнинг қўлини ҳалоллаб қўймасак, одамлар нима деб ўйлашади. Отаси йўқ-да, деган фикрга келишмасин” – деб тўй қилишибди. Нечта одам келганини эслай олмайман, лекин келганларнинг олдига ярим бурдадан нон, бир донадан конфет қўйишгани эсимда. Ош ҳам дамланган. Келганлар бир ошамдан ош ҳам ейишган. Аммо энг муҳими, тўй ҳовлида бўлиб, унга йигирма-ўттиз одамдан ортиқ одам сизмасди. Меҳмонлар шулар эди. Тўйга отамнинг жонажон дўсти, ўша даврнинг энг машҳури ҳофизи Жўраҳон Султонов ҳам келган ва тўйни қизитган экан. Ўшанда онам ҳам оналик, ҳам оталик бурчини адо этгандилар.

Онам мени ўн йил ўқитдилар, кейин сиртдан университетга ўқишга кирдим ва ишлаб бошладим. 1967 йил мени кўшни маҳаллада яшовчи Жўраҳон исмли қизга уйлантирдилар. Бу кунни кўриш онам учун қанчалар бахт эканини сўз билан айтолмайман. Биринчи фарзандим Акмалжон туғилганда онамнинг кўз ёшларини кўрдим. “Ягона фарзандим ўзидан кўпайди”, бу сўзларни такрор-такрор айтиб, бизга билдирмай йиғлардилар. “Фарзандлар туғилиши, онам учун неваралар кўриш (икки ўғил, бир қиз) тенгсиз бахт, қувонч эди. Ва

шу билан бирга онам учун ташвиш ҳам ортди. Бири соғайса, иккинчиси бетоб бўлади, касалхонадан бири соғайиб чиқса, иккинчиси шифохонага ётади. Бир йил мобайнида салкам ярим йил болалар онаси Жўраҳон касалхонада, мен ишда, онам овқат ташиб кун кечирганмиз. Невараларини шу алпозда катта қилдилар, уларнинг ҳам тўйларини ўтказдилар. Акмалжон билан Аброржонни уйлантирдилар, бундан олдин қизимиз Гўзалхонни Баҳодиржонга турмушга узатдилар. Онажоним неваралар кўрдилар, энди бахтли ҳаётлари бошланган пайтда, мен ҳам энди онажонимга чинакам хизмат қилиш имкониятига тўла эга бўла бошлаётган бир пайтда яъни 2009 йили 8 нафар неварани ардоқлаган буви — менинг меҳрибон онам боқий дунёга рихлат қилдилар. Орзуларим тўла ушолмай қолди. Ҳар тонг субҳидамда ота-онам руҳларига дуо бажо келтираман. Отам дийдорига тўймаганимдек, онам билан яшаган йилларимда унча билинмаган меҳр энди тўла намоён бўлди. Тўла етим



бўлиб яшаш оғир кечаркан. Лекин Аллоҳ олдиндан билибми, бизларга фарзандлар бериб ўшалар оғиримизни енгил қилди десам, ёлғон эмас. Аммо онамни кўп соғинаман. Кеч келганимда ухламай кутиб ўтирадиган “яхши келдингми” дейдиган меҳрибонимни ҳамон йиғлаб эслайман. Онам дегани шунақа бўларкан.

Бу қасидам онам учун ёзилгандай, аслида бу барча оналар ҳақида фақат жасоратли, мунис, эътиқоди баланд оналар ҳақида ёзганим демак. Айтинг, бундай фидойи оналар Ватанимизда камми?

Ҳар бир фарзанд оналари қилган беғараз ва мамнунлик билан бажарган хизматларини ўз меҳрлари билан оқлашса, икки томон ҳам мамнун бўларди. Халқимизнинг бу одатини ҳам дунё халқлари жон деб қабул қиларди. Оналарни севиш Ватани севиш, Ватани севиш тинчликни севиш, тинчлик эса ҳар қачонгидай бугун ҳам жуда муҳим ва зарурдир.

Яна бир бор айтгим келади, оналаримизнинг борлиги уйимиз кўрки, қут-баракаси, юртимизнинг тинчлиги, истиқболи, сўзлари улкан марраларга чақирувчи бонг овози. Сизлар омон бўлинг, меҳрибон ОНАлар. Фақат сизга эгаман бошимни!

Она сўзининг пойдевори мустаҳкам бўлса бас, орзуларимиз албатта ушалади. Жаннат оналар оёғи остидадир.

Тўлқин МУҲИДДИН,  
ёзувчи



## Реклама ва Эълонлар

“Чинобод нефт базаси” МЧЖ таъсисчилари қарорига биноан устав капитали миқдорини 20 900 477 256, 14 (йигирма миллиард тўққиз юз миллион тўрт юз етмиш етти минг икки юз эллик олти сўм, ўн тўрт тийин)дан 18 227 980 198,14 (ўн саккиз миллиард икки юз йигирма етти миллион тўққиз юз саксон минг бир тўқсон саккиз сўм, ўн тўрт тийин) тушганини маълум қилади.

Маълумот учун тел: (70) 202 38 21



**TOSHKENT OQSHOMI**  
МУАССИС:  
ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:  
Қабулхона (71) 233 61 10  
Реклама (71) 233 28 95

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-001-рақами билан рўйхатга олинган

Нашр учун масъул  
З. НАЗАРОВ

Топшириш вақти 00:55  
Топшириш вақти 05:00  
Буюртма -



Бош муҳаррир  
Севдо Ниёзова

“NISO POLIGRAF” МЧЖ  
босмахонаси.

Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта  
Чирчиқ тумани, “Машъал” маҳалласи,  
Марказий кўчаси, 1-уй

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет  
усулида босилди. Адади 500 нусха,  
қоғоз бичими А3

Газета таҳририят  
компьютер марказида  
саҳифаланди

